



ХУРШИД ДАВРОН ШЕЪРИЯТИДА ЗАМОН РУҲИ ВА ТАБИАТ ТАСВИРИ

Н. Сиддиқова

ФарДУ Табиий йўналишлар бўйича чет тиллари кафедраси ўқитувчиси

Резюме. Мақолада шоир Хуршид Даврон лирикасида замон руҳи, табиат тасвири ва инсон эрки ҳақидаги миллий қадрият даражасига кўтарилган қарашларининг лирик ифодаланиши ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар. Лирик ифода, ҳаёт воқелиги, тарих, ижтимоий ҳаёт, Замон руҳи, сўз қудрати, эстетик таъсир, фалсафий ғоя.

Сўз мўъжизадир. Сўз ўзганинг ҳолатини, руҳиятини, қалбини англаш воситасидир. Сўз - инсон сезгиларини ўзгага юқтирадиган сеҳрли қурол. Сўз-инсонга хос ички ва ташқи дунёнинг таржимони. Аммо у бу фазилатларига фақат тафаккур қудрати ҳамда қалбнинг ҳассос кечинмалари орқалигина эришади, холос. Бинобарин, аёл зоти хушбичим либоси, дарё - қирғоғи, табиат эса дов-дарахтлари билан гўзал ва тўқис бўлганидек, сўз ҳам теран маъноси билан ҳаётбахшдир. Сўзнинг қудрати, гўзаллиги, маънодорлиги, таъсир кучи, айниқса, шеърда аниқ кўзга ташланади [4.160]. Шеърият ҳақида рус шоири И.Л.Некрасов ўз шеърларидан бирининг қўлёзмаси ҳошиясига бундай сўзларни ёзган экан: “Ўхшатиш - шеърият, картина-шеърият, воқеа шеърбоп бўлиши мумкин, табиат-шеърият, ҳис-туйғу-шеърият” [3. 132]. Табиат барча санъат турлари ва жанрлари сингари лириканинг ҳам боқий мавзуларидан биридир. Санъат асарларининг қайси бирини олиб қарамайлик, ундаги пейзаж тасвирида албатта инсон иштирок этади, табиатнинг у ёки бу хоссаси унга бўлган инсон муносабати орқали қайта кашф этилади; шу сабабдан бадиий асардаги табиат картиналарида эмоционал бўёқдорлик уфуриб туради.

Шу маънода пейзаж лирикада инсон ҳис-туйғу ва кечинмаларининг ёрқин тажассум топиши учун фон ва айни вақтда органик хужайра вазифасини ўтайди. Бироқ, инсон ҳаёти фақат севинч ва зафарлардангина иборат бўлмайди, осойишталик ва ташвиш, ютуқ ва қоқиниш бир-бирини пойлайди, бу ҳол инсоният ҳаётининг қонунидир. У шоирга тегишли, чунки шоир ҳам инсон, аммо фидойи инсон. Айтиш мумкинки, бугунги лирикадаги образларнинг Ватан ва она Ер ҳақидаги тасаввур ва тушунчалари ҳозирги илмий-техника янгиликлари билан ниҳоятда бойиб, давр ва дунё тақдири тушунчалари ҳисобига ғоят кўламдорлик касб этмоқда.

Шоир шеърларида табиат манзаралари Ватан қиёфасини тўлдирувчи бир объект, деталгина эмас. Табиат - шоир наздида Ватаннинг бир бўлаги, эмоционал кечинмалар ва инсон куч-қудратининг асоси, ниҳоят, доимо янгилашиб, барқ уриб турувчи ҳаёт тимсоли. Хуршид Давроннинг лирик



қахрамони табиат оғушига сингиб, унинг фараҳли сурури қўйнида кўринмай кетмайди, бугунги ҳаёт оқими зарбларини туйиш ва воқеа-ҳодисалар жараёнини эстетик баҳолашда табиат одил ҳақиқат бўлиб гавдаланади. Шоирнинг болалик хотираларида ҳам табиат хоссалари ўзининг ёрқин бўёқлари, чизгилари билан давр нафаси ва эҳтиросларини яратишда бевосита иштирок этади. Хусусан, табиат манзаралари лирик қахрамоннинг қалб манзараларини шунчаки акс эттирмайди, балки ҳаёт, воқелик таъсирида лирик қахрамон кўнглида кечган кечинма ва ҳиссиётлар, фикрлар силсиласи билан уйғунлик касб этади.

Хуршид Давронни табиат куйчиси ёки табиатнинг шоир-рассоми дейиш қийин. Унинг лирикасида соф пейзаж шеърлар кўп эмас. Лекин табиат ҳаётнинг боқийлигини ҳис эттириши ва шу асосда, нарса ва мавжудотнинг, инсон умри, тириклигининг маънавий-фалсафий мезонига айланиши жиҳатидан ҳам шоир лирик қахрамони ва табиат диалектик боғлиқликда намоён бўлади.

Бир қараганда ушбу фикрлар эриш туюлиши, «Шоир лирикасида куз, баҳор, тун, табиат ҳақида сўз борса-ю, пейзаж йўқ бўлиши ҳам мумкинми?», деган эътироз туғилиши табиий. Гап шундаки, шоир шеърларида табиат махсус тасвир объекти сифатида намоён бўлмайди. Гарчанд, шоир шеърларида табиат жонлантириш, деталлар тарзида мавжуд бўлса-да, у руҳий манзара ва ҳолатлар мазмунини ифодалаш учун хизмат қилади. Бу ҳол шоир лирикасидаги инсон ва табиат талқинида етакчи мавқени ишғол қилмайди. Хуршид Даврон лирикасида табиат белгиларидаги инсоний жиҳатларни тажассум этиши биринчи ўринда намоён бўлади.

Табиат фақат инсон тириклигининг, ҳаётининг жисман асосини белгилабгина қолмай, маънавий ҳаётнинг ҳам асосий таянчидир. Хуршид Даврон лирикасида инсон ва табиатнинг ажралмас нуқталари ана шундай фалсафий ўринларга эга.

Ҳислар жилваси, туйғулар манзараси, теран фикр ва мушоҳадалар ўзининг фалсафий-психологик мисралар қатимига жойлаб ўқувчи кўнглига сингдиради. Зеро, илк баҳор айёмида чўғдек ял-ял ёнган лолаларнинг тўлғаниши шунчаки бир шамолдаги силкиниш эмас - у она юрт шамолига бахшида қўшиқ; ғўза парваришида, пахта ишқида меҳнаткаш деҳқон пешонасидан тўкилган маржон-маржон томчи тер эмас - у умр, тақдир мисралари; унинг жуссаси оддий қомат эмас, Алпомишнинг келбати, у қилаётган меҳнат ўзи учун эмас, она юртнинг келажаги учундир. Хуршид Даврон лирикасида Ўзбекистон - Ватан - халқ - табиат образлари умумий уйғунликда очиқ бир китобдек кўз ўнгимизда намоён бўлади. Шоир шеърларининг асосий мавзуи - она юрт, Ўзбекистон, Ватандир. Аслида Ватан, халқ, она юрт, табиат - булар бир заминда юзага келган тушунчалар. Ёлғиз Ватанни севиб халқни, табиатни севмай бўлмайди. Она юртга, пахта далаларига, бобо деҳқонга, туғилиб ўсган қишлоққа, сўлим ва дилбар гўшаларига бўлган муҳаббатдан улкан ва салобатли Ватан тушунчаси ва муҳаббати барқ уради:



*Токи тирик экан фарзандинг, Ватан,
Улуғбек юлдузи токи осмонда –
Сен сохта ҳисларни олмагайсан тан,
Ўзбек номи мангу яшар жаҳонда.*

...Дунёда бор бўлса неча хил ранглар

Келсин, кўрсин, сенда юз карра кўпроқ...

Эй тилим, эй элим, эй она тупроқ... [6.147]

Хоҳ лирикада бўлсин, хоҳ дostonларда бўлсин, Хуршид Давроннинг қофия борасидаги маҳоратига шоҳид бўламиз. У қофиялашда ҳарфий назарияга эмас, балки кўпроқ талаффузга (орфоэпияга) суянади. Баъзи қофияларида қофиядош сўзлардан бири охирида бир товуш (кўпинча ундош товуш) тушиб қолади (ёки ортади): аза-мазах, ташна-яшнар, наслим-бамисли, этагин-эртаги. Бундай қофиялар сон жиҳатдан жуда кўп учрайди. Иккинчи хил қофияларда равий икки хил бўлади: захил-ахир, учиб-учун, бедармон-тонг, кулманг-кулман, ёзин-базм. Бундай қофияларда кўпинча равий талаффузда бир- бирига яқин товушлар бўлади. Учинчи хил қофияларда қофиядош сўзлардаги охириги турли товуш сўзларнинг ўзагида эмас, балки кўшимчаларида бўлади: ардоқлар-ортмоқлаб, жилвалаб-оловлар. Тўртинчи хил қофияларда турлича равийлардан сўнг кўшимча келади: уммонлар-тонглар. Шоир шеърларида “доғдаман-чоғдаман”, “қизлар-излар” типдаги мураккаб қофиялар ҳам кўп учрайди. Гап шундаки, Хуршид Даврон шеърый элементлардан ҳам мавзу руҳи, оҳанги ва мазмунини садолантиришда фойдаланади. Тарихий мавзулардаги шеърларида вазмин, маҳзун, аламли оҳангларни юзага келтирувчи қофияларга мурожаат қилса, замонавий шеърларида, табиат тасвирига бағишланган лирик лавҳаларида насимдай енгиллик, нурдай илиқлик бағишловчи қофиялар топишга интилади.

Ижодининг иккинчи даврда ёзилган шеърларда тематика, шеърни етарли ва пухта бадий умуллаштириш, ҳаётни кенгроқ қамраб олиш ва теранроқ акс эттириш, ташқи ва миллий адабий анъаналардан ижодий фойдаланиш, шакл ва мазмун соҳасида бойиб бориш ва жанр жиҳатидан ўсиш бор.

Бугунги кунда замон нафасини, инсон характерининг мураккаб ички олами, маънавий дунёсининг ҳаёт ҳодисалари билан боғлиқликдаги кўринишларини юксак ақлий салоҳият, фалсафий теранлик билан бадий тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хуршид Даврон сингари қатор шоирларнинг изланишларини устозлар тажрибасидан, мумтоз шеърят анъаналаридан ажратиб ўрганиш мумкин эмас, албатта. Ўтмишдаги даҳо санъаткорларнинг тажрибаларига таяниб, аср воқелигини, ижтимоий ҳаёт янгиликларини ўз моҳиятига сингдирган ажойиб поэтик асарлар яратиш, шу жараёнда ўтмиш анъанасининг энг яхши хислатларини ўзлари яратган янгилик билан боғлаш ҳозирги шеърятимизда янги босқичга кўтарилди. Хусусан, бу йўналиш Хуршид Даврон ижодида ҳам алоҳида кўзга ташланади.



Бу шоирлар ижодий оламининг бойиб боришида, ҳар бир ижодкор дунёқарашининг кўламдорлик касб этишида, эстетик принципларининг шаклланишида, фикрлаш доирасининг кенг миқёсли тусга эга бўлишида етакчи ўрин тутди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик асослари ва мезонлари,-Т: 2004,
- 2.Султон И. Адабиёт назарияси,-Т: “Ўқитувчи” нашриёти, 1980.
- 3.Турдиева К. Табиат ва маънавият. “Ўзбек тили ва адабиёти”,-1990
4. Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. Т: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2009.
5. Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. Т.: 1997.